



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**436 Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даро-
мадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгарти-
риш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-1*

(2010 йил 29 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти
қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сон қарорлари билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари»га (рўйхат рақами 2033, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 491-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 ноябрь,
2010-20-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 ноябрь,
32-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли
қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази ҳамда
Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валюта-
га оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш департа-
ментининг 2010 йил 6 ноябрдаги
2010-20-сон, 32-сон қарорига
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал
иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички
назорат қоидалари»га киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Қўйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

«6¹. Назоратчиларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий технологиялари, усуллари ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган сўнгги янгиликлардан хабардорлигини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчиликнинг барча жиҳатлари ва мажбуриятлар ҳақида аниқ тушунтиришлар бериш мақсадида ўқитиш ва малакасини оширишни ўқув режалари ва дастурлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишиладиган, қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасалари томонидан амалга оширилади».

2. 9-банд қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мижозларни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотларнинг ҳар йили янгиланишини амалга оширади;»; бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 11-бандда:

қўйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада

текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, мижоз билан битим тузишни рад этиш»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим».

5. 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозларга доир бир марталик битимлар амалга оширилганда»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 17-банддаги «текширишга ҳақлидир» деган сўзлар «текшириши шарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 19-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олиниши;

қимматли қоғозларга доир битимлар тузилаётганда инсайдерлик ахборитидан ноқонуний фойдаланилганлиги ёки қимматли қоғозлар бозорида нархлар борасида хийла-найранг ишлатилганлигига доир ҳар қандай шубҳаларнинг мавжудлиги»;

ўн тўққизинчи хатбоши йигирма биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. 26-банддаги «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини» деган сўзлар «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификацияланган материаллар ва маълумотларни, шу жумладан, иш ёзишмаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Қуйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

«28¹. Мазкур Қоидалар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар профессионал иштирокчининг барча ходимларига етказилиши лозим».